

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ICHKI IШЛАР VAZIRLIGINING  
БУЙРУҒИ

**350** Ўзбекистон Республикаси ИИВ давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати техника назорати бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил  
28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1252-1*

«Стандартлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 2-сон, 46-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон «Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори-га (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 17-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2003 йил 2 майдаги 137-сон буйруғи (рўйхат рақами 1252, 2003 йил 30 июнь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 12-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ИИВ давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати техника назорати бўйича йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Б. МАТЛЮБОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 26 июнь,  
79-сон

Ўзбекистон Республикаси  
ички ишлар вазирлигининг 2013 йил  
26 июндаги 79-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ давлат йўл ҳаракати  
хавфсизлиги хизмати техника назорати бўйича йўриқномага  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-банддаги «Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни» деган сўзлар «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 3-банднинг иккинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«Улар ўз вазифаларини бажаришда қонун ҳужжатларига, шу жумладан мазкур Йўриқнома, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг буйруқ ва кўрсатмаларига риоя этади.»

3. 8-банднинг «б» кичик бандидаги «қарорига мувофиқ» деган сўзлар «қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 17-модда) мувофиқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 15-бандда:

иккинчи хатбошидан «, техник шартлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«транспорт воситалари, уларнинг бутловчи қисмлари ва қўшимча ускуналарининг (махсус болалар ўриндиғи, мототранспорт воситалари учун шлемлар, бош суянчиғи ва шунга ўхшаш маҳсулотлар) ташкилот стандартлари.»

5. 16-банддаги «Ўзбекистон Республикаси стандарт ва меъёрларга» деган сўзлар «стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 42-банднинг «б» кичик банди тўртинчи хатбошисидаги «қарори билан» деган сўзлар «қарори (Ўзбекистон Республикаси Хукумати қарорларининг тўплами, 2000 й., 12-сон, 75-модда) билан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.